# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 22-AVGUST, PAYSHANBA, 102 (8183)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

# МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.**

Айни пайтда мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланаётир.

Бугунги кунда тизим фаоллари томонидан маҳалла ҳудудида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш каби қатор вазифалар самарали амалга оширилмоқда. Маҳалла халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлмоқда.

Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш давлатимизнинг доимий эътиборида. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантиришга оид зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 24 июлда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони давлатимизнинг мазкур соҳага бўлган эътибор ва ғамхўрлигининг ёрқин намунаси, тизимда самарали меҳнат қилаётган фидойи маҳалла фаоллари меҳнати қадр топаётганининг амалдаги ифодаси бўлди.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонига биноан мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ тизим ходимларига давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалда юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли мустаҳкамланаётгани маҳаллаларимиз тинчлиги, ободлиги, фаровонлигига хизмат қилмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ИЖОДГА УНДАЁТГАН УЛУҒ ҚАДРИЯТ

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шу муносабат билан бу ерга депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, шоир ва ёзувчилар таклиф этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида Ватанимиз эришган юксак марралар, асрларга татигулик ютуқларда ижод аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ижодкорлар бугунги маънавий-маърифий ислоҳотларда ҳамюртларимиз қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини юксалтирувчи, ижтимоий фаоллигини оширувчи юксак бадиий-ғоявий асарлари билан фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий республика кўрик-танловини юксак савияда ўтказиш белгиланган.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни асосида тизимнинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга оид ваколат ва вазифалари кенгайтирилгани соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига қўйилаётган вазифаларнинг тўла рўёбга чиқарилиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида тизимнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Жорий йилда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан икки юзга яқин фуқаролар йиғини биноси тубдан таъмирланди. Етти юзга яқин фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси тақдим этилган бўлса, саккиз юзга яқини зарур мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бундан ташқари, уттиздан зиёд замонавий маҳалла гузари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллаларда юздан зиёд болалар майдончалари барпо этилди, беш юзга яқини қайта таъмирланди.

– Ўзбекистонимизни севиш, ардоқлаш, унинг равнақи йўлида фидокорона хизмат қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг фарзандлик бурчидир, – дейди «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожибар Йўлдошева. – Камтарона хизматимнинг давлатимиз раҳбари томонидан юксак қадрланиши кўнглимни тоғдек кўтарди. Президентимизнинг мазкур фармони маҳалла институти ривожига, маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Ватанимизнинг юксак мукофоти бизни эл юртимиз равнақи учун янада фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишга ундайди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**




Аьло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# ИЖОДГА УНДАЁТГАН УЛУҒ ҚАДРИЯТ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган танлов «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этди. Ижодий танловдан кўзланган асосий мақсад “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш, ўтган йиллар мобайнида эришилган улкан марраларнинг мазмун-моҳиятини адабий, тасвирий санъат, фотография, кино асарлари, оммавий ахборот воситалари орқали кенгроқ очиб беришдан иборатдир.

Танловнинг мамлакат босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 321 нафар ижодкордан истиқлолимизнинг қадр-қиммати, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, барча жабҳаларда эришаётган улкан ютуқларимизнинг аҳамияти ёрқин ва таъсирчан бадиий воситалар, ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилган 3200 га яқин ижодий иш тушди. Ҳайъат қарорига асосан 26 нафар иштирокчининг иши энг яхши деб топилди.

– Аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, биздек бахтиёр авлодга насиб этган мустақиллик, унинг бебаҳо неъматлари, улкан имкониятлари ижод аҳли учун бебаҳо илҳом манбаидир, – дейди “Маърифат” газетаси мухбири Н.Мамбетирзаева. – Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган барча ютуқлар замиридаги асосий омилларнинг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш, аҳамиятини барчага атрофлича тушунтириш – ижод аҳлининг асосий вазифаси. Бу каби танловлар ана шундай эзгу мақсад йўлида ижодкорлар меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мукофотланганлар мамлакатимизда ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «Online» тизимидаги кутубхона

## ТАРИХИЙ, АДАБИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗДАН УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ



**Ахборот-кутубхоналарда китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёнларини интеграциялаш, ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш, электрон кутубхоналар ташкил қилиш, таълим муассасаларида ва ҳудудларда китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатишнинг тезлиги ва сифатини ошириш бугунги кун талабидир.**

Президентимизнинг “2011–2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, мамлакатимизда ахборот-кутубхона муассасалари хизматлари сифатини ошириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг билим ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш асосида қаноатлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Республика ахборот-кутубхона марказининг анжуманлар залида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан “Инфокоммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона муассасалари ҳамкорлигини янада такомиллаштириш масалалари” мавзуидаги матбуот анжуманида соҳада амалга оширилаётган мамлакат миқёсидаги йирик лойиҳалар, хусусан, интернет орқали фойдаланиш мумкин бўлган электрон кўринишдаги китоблар базасидан иборат — “online” тизимидаги кутубхона ҳақида сўз борди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг бутун дунёда кенг тарқалган йўналишларидан бири бу – виртуал хизмат кўрсатиш усулидир. Виртуал кутубхона фойдаланувчига кераклн адабиёт ёки маълумотни кутубхона ҳудудига келмасдан интернет тармоғи орқали олиш имкониятини яратади. Тармоқдаги электрон китоблар ўқув жараёнларини замонавий технологиялар асосида ташкил қилишда ва таълим сифатини яхшилашда ўзига хос ўрин тутади.

Маълум бўлишича, ҳозирда мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудидаги 14 та ахборот-кутубхона марказ (АКМ)ларининг адабиётлар фонди 5 миллионга яқин нусхани ташкил этади. Бир йилда ҳар бирининг фонди ўрта ҳисобда яна 12 минг нусхага кўпаяди. Жорий йилда АКМлардан фойдаланувчи доимий китобхонлар сони 371 255 минг нафарга етган.

Жами АКМларда китобхонлар заллари ва бўлинмаларидаги, иш жойларида ўрнатилган компьютерларни бирлаштирувчи автоматлаштирилган локал компьютер тармоқлари ўтказилган. Ушбу компьютерлар орқали Интернет ва “ZiyoNET” тармоғига уланиш имкониятлари мавжуд.

Республика ахборот-кутубхона маркази негизида фаолият юритиб келаётган Илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг сифатли ва қулай йўналишларини қўллаётган муассасалардан биридир.

Ушбу электрон кутубхона Интернет тармоғига жойлаштирилган дастур орқали тўғридан-тўғри анъанавий китобларни тўла матнли электрон шаклга ўтказиш билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб тизим базасида 36 818 мингдан зиёд тўла матнли электрон нашрлар жой олган. Ушбу дастур орқали масофадан хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Қулайлик жиҳати ҳам шундаки, фойдаланувчилар ўзларига зарур адабиётларни исталган жойдан туриб Интернет тармоғи орқали излаб топиши мумкин. 2013 йил I ярим йиллик давомида Илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси томонидан 2000 га яқин нашр электрон кўринишга ўтказилиб, тўла матнли электрон ресурслар шакллантирилди.

Ҳозирги кунда мазкур электрон кутубхона республикадаги вилоят ахборот-кутубхона марказларининг ахборот ресурсларини жамлаб, корпоратив тармоқ яратиш устида иш олиб бормоқда. Бунинг учун вилоят кутубхоналар фондида сақланиб келинаётган ноёб, нодир адабиётларни электрон кўринишга келтирган ҳолда “online” кутубхона барпо қилиш мақсадида техник лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра жорий йил мобайнида барча АКМлар ўзаро ва марказ билан оптик толали тармоқ орқали уланади, зарур техник ускуналар, дастурлар билан таъминланади.

— “Online” тизмидаги кутубхона фаолиятининг синов тариқасидаги кўринишини сентябрь ойида тақдим этилиши режалаштирилмоқда, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбари Асаджон Хўжаев. — Ҳозирда барча ресурслардаги электрон адабиётларни, манбаларни интеграциялаштириш жараёни кетмоқда, жамланган манбаларнинг ўхшашлиги 52 фоизни ташкил қилади. Келгусида “online” тизимидаги кутубхонада илмий ишлар, бакалаврлик диплом ишлари, магистрлик диссертацияларини ҳам жойлаштиришни режалаштирганмиз. Сир эмаски, ҳозирда бу борада “плагиат” яъни кўчирмачилик мавжуд. Ёки кўпгина илмий ишларда беихтиёр қайтарилишлар кузатилади. Ташкил этиладиган тизим ушбу ҳолатларнинг олдини олади, ёш илм изловчиларнинг билимини бойитиб, ўзи устида ишлашга ундайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этилаётган корпоратив тармоқ фуқароларимизга шу каби кўплаб қулайликларни тақдим этиб, республика АКМларидаги қимматли манбаларни виртуал тўплаш ва улардан самарали фойдаланишга кенг йўл очади.

Бу эса, айни пайтда ноёб тарихий, адабий-маданий меросимиздан узоқ йиллар давомида асраб-авайлаб фойдаланиш, уларни келажак авлодга етказиш имконини беради.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ:
# кеча, бугун ва эртанги кун

**Бугунги кунда телевидение ахборот узатиш бўйича энг оммавий ахборот воситаларидан биридир. Ер юзидаги миллиардлаб одамлар ҳар куни сўнгги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш, ёқтирган кўрсатув ва фильмларидан баҳра олиш учун телевизор томоша қилади.**



### ТОШКЕНТ – ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВАТАНИ

Бугун кундалик ҳаётимизни телевидениесиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада ўзбекистонликлар пойтахтимизнинг телекўрсатувлар ватани эканидан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Дунёдаги илк оқ-қора тасвирли электрон телевидение тизими лойиҳаси ҳам 1925 йилда айнан Тошкент шаҳрида ишлаб чиқилган бўлиб, шу йили дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эга ушбу кашфиёт учун патент олинган. 1928 йилда телевизион тажриба қурилмасида ҳаракатланувчи оддий объектлар намойиш этилди. 1956 йилда эса Марказий Осиё минтақасида биринчилардан бўлиб Тошкентда оқ-қора тасвирли телевизион марказ ишга туширилди.

Шундан буён ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида телевидение сифат жиҳатидан жиддий юксалишга эришди. Тасвир ва товуш тиниқлаштирилган замонавий телевизорларнинг пайдо бўлгани ҳамда телесигналларни узатиш усулларининг такомиллашгани бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари, аввалambор, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ривожлантириш истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Сўнгги йилларда кўрилган қатор чора-тадбирлар натижасида телевидение ва радионинг замонавий техник базаси яратилди. Телекўрсатувларни тайёрлаш ва тарқатиш жараёнига замонавий телевизион ускуна ва медиатехнологиялар мунтазам жорий этилмоқда.

### РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ – ҲАР БИР ОИЛАДА

Одатдаги телевизион кўрсатувлардан янги, янада сифатли даража – рақамли телекўрсатувларни ердан туриб эфирга узатишга ўтилгани телевидение соҳасида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Рақамли телевидениенинг одатдаги телевидениедан асосий фарқи шундаки, унда тасвир ва товуш ғоят тиниқ, ранглар ёрқин ва ҳар бир детал аниқ акс этади.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб рақамли телевидениега ўтган ва республикамизда рақамли телевидениени жорий этиш 2007 йилдан бошланган эди. Тошкент ва Бухорода ердаги рақамли телевидение тажриба зонасининг ташкил этилиши янги турдаги кўрсатувларга босқичма-босқич ўтишни бошлаб берди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 17 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтишга доир Давлат дастури тўғрисидаги қарори бу борада муҳим дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатда, биринчи навбатда, техник ва технологик тараққиёт инобатга олинган ҳолда, рақамли телевидениени жорий этиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, рақамли телевидениега икки босқичда, яъни 2012-2015 ва 2016-2017 йилларда ўтиш кўзда тутилган.

Шунингдек, қарорда янги турдаги хизматлар, жумладан, интерфаол ва мобиль телевидениени жорий этиш ҳам режалаштирилган. Дастурга мамлакатимизда рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган замонавий қурилмаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолини таъминлашга оид бўлимнинг киритилгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бунда рақамли телевидениенинг умумфойдаланиладиган ижтимоий пакетини тайёрлаш, шакллантириш ва эфирга узатиш ҳамда теле, радиоархив материалларни рақамли форматда таржима қилишнинг техник имкониятларини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Рақамли телевидениенинг ижтимоий пакети – бу оператор ва провайдерлар томонидан истеъмолчилар учун бепул тарқатиладиган ижтимоий аҳамиятга эга телеканаллар пакетидир. Бу эса мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлигининг яна бир тасдиғидир.

Айнан шу боис рақамли телеканалларни ташкил этиш жараёнида рақамли телекўрсатувлар ижтимоий пакетини шакллантириш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кўпайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ туну кун эфирга узатиладиган иккита янги рақамли канал – "Маданият ва маърифат" ҳамда "Дунё бўйлаб" телеканали ташкил этилди. Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб мамлакатимизда "Ёшлар" телерадиоканали" ёпиқ акциядорлик жамияти ҳузурида болалар учун мўлжалланган дастлабки "Болажон" рақамли телевизион канали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш давлат дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қўмагида «UZDIGITAL TV» компанияси ташкил этилди ва айни пайтда у мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларга рақамли телевидение хизматларини кўрсатаётган етакчи операторлардан биридир.

Бу борада қабул қилинган чора-тадбирлар самарасида қисқа вақт ичида рақамли телевидениега ўтиш дастурини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистонда ердаги рақамли телевидениенинг Европа стандарти қабул қилинди. Сигнални барқарор қабул қилиш ва бошқа қайтадиган сигналларни қабул қилмаслиги унинг асосий афзалликларидан биридир.



**Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудининг 45 фоизи рақамли телевидение билан қамраб олинган бўлиб, Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Қарши, Қўқон, Самарқанд, Навоий, Нукус ва Урганч шаҳарларида рақамли узатиш қурилмалари ўрнатилган.**

Қатор вилоят ва шаҳарларда жорий йил давомида теледастурларни рақамли форматда эфирга узатиш режалаштирилган. 2017 йил охиригача мамлакатимизнинг барча ҳудуди рақамли телевидениега тўлиқ ўтади.

### ЮКСАК СИФАТЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2011 йилда Ўзбекистонда янги форматдаги трансляцияга босқичма-босқич ўтишга доир аниқ мақсадли ишларнинг амалга оширилиши натижасида МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб юксак даражада тиниқ кўрсатадиган ердаги телевидение – HDTV ишга туширилди. Дунёда телевидениени ривожлантиришнинг янги йўналиши ҳисобланган HDTV тасвир ва товуши тиниқ теледастур ва фильмларни томоша қилиш имконини беради. Бугун мамлакатимизда иккита HD канали эфирга узатилмоқда. "UzHD" канали улардан биридир. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Ўзбекистон МТРК медиа-маркази" давлат унитар корхонаси юқори даражада тиниқ бўлган телекўрсатувларни эфирга узатиш бўйича асосий ишлаб чиқариш ва технологик марказ ҳисобланади.

Юқори технологияли ускуналар ва махсус телерадиотехникадан самарали фойдаланиш, уларни қўллаган ҳолда медиатехнологиялар асосида кенг турдаги сифатли телерадиомаҳсулотларни яратиш, шунингдек, телевизион муҳандис-техник ҳамда ижодий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетида махсус муҳандисларни тайёрлайдиган «Телевидение технологиялари» факультети ташкил этилди. Пойтахтимизда Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежининг очилиши соҳа мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСОН ХИЗМАТИДА

Замонавий рақамли телевидение фойдаланувчиларга телекўрсатувларни томоша қилиш жараёнини моделлаштириш имконини беради. Юқорида тилга олинган Давлат дастурида янги турдаги хизматларни жорий этиш кўзда тутилган. Масалан, EPG хизматларини тақдим этиш режалаштирилмоқда. Ушбу электрон теледастур ҳар бир каналда айнан қандай кўрсатув ва фильм қачон намойиш этилиши билан танишишга ёрдам беради. Фойдаланувчилар унинг ёрдамида намойиш этиладиган кўрсатув ва фильмлар рўйхатини кўздан кечириши, титр ёзувларини қўшиши ва ўчириши, таржима тилини танлаши, хотирани ўрнатиши ва бошқа кўплаб функцияларни бажариши мумкин. Танланган кўрсатув, фильм ёки футбол ўйинини ўтказиб юбормаслик учун эслатиш функциясини ҳам ўрнатиш мумкин. Бу функция телевизор бошқа каналга ўтказилган бўлса-да, танланган кўрсатув бошланишига бир неча дақиқа қолганда экранда пайдо бўлади. EPG хизматида болалар томоша қилиши мумкин бўлган каналлар рўйхатини тузиш имконини беради-ган "ота-она назорати" функцияси ҳам ўрнатилган. Бошқа каналлар ота-она томонидан пароль қўйилиши натижасида томоша қилиш учун берк бўлади.

Ўзининг қадимий ва бой тарихи билан ҳақли равишда фахрланадиган Ўзбекистон телевидение соҳаси давр билан ҳамқадам ривожланиб бормоқда. Зеро, тегишли Давлат дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли яқин вақт ичида Ўзбекистондаги ҳар бир оила юқори сифатли телевидение хизматларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлади.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Андижон Вилояти



# ШИРМОНБЎЛОҚ КИВИСИ

## таъми, шакли ва бошқа жиҳатлари билан субтропик ўлкаларда етиштирилаётган мевалардан асло қолишмайди

**Бундан бор-йўғи ўн йиллар илгари ҳам Ўзбекистон шароитида киви етиштириб, мўл ҳосил олиш мумкин, деса биров ишонмас эди. Ахир, асосан субтропик ўлкаларда, денгиз бўйларида ўсадиган бу дарахтни юртимиз иқлимига мослаштиришнинг ўзи бўлмайди-да. Аммо интилганнинг, изланганнинг иши доимо олға юрган. Узоқ йиллик изланишлардан сўнг андижонлик соҳибкорлар бу мураккаб юмушнинг ҳам уддасидан чиқишди.**

Булоқбоши туманининг Ширмонбулоқ қишлоғида умргузаронлик қилган тажрибали деҳқон, узоқ йиллар аграр соҳада меҳнат қилган Назиржон Сулаймонов 1999 йили хориждан икки туп киви кўчати олиб келиб, Чилустун тоғ тизмалари ёнбағрига ўтқазган эди. Маҳаллий иқлимга мослаштириш мақсадида ёш ниҳоллар дастлаб уч йил иссиқхонада парвариш қилинди. Сўнгра дарахтларнинг усти очиб ташланди. Миришкор боғбон барча агротехник тадбирларни оби-тобида олиб борди. Юртимиз тупроғида йиллар давомида мустаҳкам илдиз отган ниҳоллар, ниҳоят, ўн йил деганда нишона ҳосил кўрсатди. Дарахтлар дастлаб 35-40 килограмм атрофида мева берди. 2011 йили 50 килограмм, ўтган йили эса 60 килограмм киви Андижон вилояти бозорларига чиқарилди. Дарахтлар бу йил ҳам ғуж-ғуж ҳосилга кирган. Киви меваси турли юрак хасталиклари учун даводир. Қолаверса, аксарият мамлакатларда қон босими кўтарилган беморларга ҳам ушбу мевани истеъмол қилиш тавсия этилади.

Айни пайтда Назиржон Сулаймоновнинг ишини ўғли Ҳабибулло Сулаймонов давом эттирмоқда. Отаси сингари у ҳам миришкор боғбон, ўз ишининг устаси.

– Инсон қўли гул экан, – дейди Ҳабибулло Сулаймонов. – Раҳматли отамнинг тажрибаларини кузатиб туриб, инсон қўли мўъжиза яратишига кўп бора амин бўлдим. Отам бир вақтлар тоққа тупроқ ташиб, боғ барпо қилишга киришганида, кўпчилик “Бу иш – хомхаёл. Тоғда мевали дарахт ўсмайди” деб у кишини шаштидан қайтармоқчи бўлишганди. Аммо отам “Тоғда дарахт ўстириш мумкин. Дарахтнинг илдизи бақувват бўлади, ҳатто тошни ҳам емиради”, дея аҳдида қатъий турди. Чиндан ҳам, мана, кўриб турганингиздек, йиллар давомида қилинган заҳматли меҳнатнинг маҳсулидан бугун бутун қишлоқ аҳли баҳраманд.

Дарҳақиқат, яхшидан боғ қолади, деб шунга айтсалар керак-да. Айни пайтда отасининг эзгу ишларини давом эттираётган Ҳабибулло ака 7,5 гектар боғни ўз тасарруфига олган “Дониёр Дилшод саховати” фермер хўжалигига етакчилик қиляпти. Хўжалик миришкорлари ҳар йили аҳоли дастурхонига 20 тоннадан зиёд сархил олма мевалари тортиқ этишяпти.

Хўжалик боғини айланар экансиз, ўзингизни худди ноёб дарахтлар парвариш қилинадиган илмий-тадқиқот майдонида юргандек ҳис этасиз. Назиржон отанинг саъй-ҳаракати билан бундан 60 йиллар муқаддам хориждан 4 тагина тувакда келтирилиб, пайвандлаш йўли билан кўпайтирилган Хитой чилонжийдаси – унаби ҳозирда азим дарахтларга айланган. Уларнинг дармондорига бой ҳосилидан кўпчилик баҳраманд. Кельрейтер номли 20 туп манзарали дарахт ҳамда япон сакураси боғга ўзгача зеб бериб турибди. Атрофи махсус иҳота билан ўралган мўъжазгина майдонга бундан ўн йил илгари экилган 4 туп эрон тош пистаси келаси йили ҳосилга кирар экан. Ҳабибулло Сулаймоновнинг бир йилда бўйи атиги 5 сантиметргина ўсадиган бу ноёб экиндан ҳам умиди катта.

Халқимизда “Изланган имкон топади”, деган нақл бор. Янгиликка интилувчан фермер олиб бораётган изланишлар билан танишиш асносида бу фикр нақадар ҳақ эканига яна бир бор амин бўлдик.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**

*Азамат ТОШМАТОВ олган сурат.*



**БИЛАСИЗМИ?**

**Янги Зеландияда киви қуши бўлиб, мамлакатнинг миллий рамзларидан бири ҳисобланади. Эътиборлиси, «kiwi» сўзи мулоқот услубида Янги Зеландия маҳаллий аҳолиси вакилининг номланиши сифатида қўлланилади. Бу албатта, янги зеландияликларнинг ушбу қушга бўлган муҳаббатининг белгисидир. Киви— кивисимон қушлар туркумидан бўлиб, узунлиги 50-80 см. Танаси туксимон пат билан қопланган. Уларнинг 3 та тури Янги Зеландиянинг қуюқ ўрмонларида истиқомат қилиб, 1921 йилдан буён давлат муҳофазасидадир.**

### МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:



*Кивини исталган парҳез таомга қўшиб истеъмол қилиш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у танадаги ёғ қатламини эритиш хусусиятига эга экан. Маълумки, юракда ёғ қатлами вужудга келса, юрак артериялари ишдан чиқади. Агар бир кунда икки-уч дона киви мевасидан истеъмол қилсангиз, бу юрагингизни тромбофлебит ривожланишидан ҳимоя қилади. Агар юрак-қон томир касаллиги бор бемор бир ой тинмасдан мазкур мевани истеъмол қилса, унда тромблар ҳосил бўлиши 18 фоизга, қондаги зарарли ёғли кислоталар миқдори эса 15 фоизга камаяр экан.*

Сурхондарё Вилояти

# Меҳрдан яшнаган гулзор



БУГУН ЮРТИМИЗДА ИССИҚХОНА ТАШКИЛ ҚИЛИБ, ШАХСИЙ ТОМОРҚАСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, НАФАҚАТ ОИЛАСИНИ, БАЛКИ МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ ҲАМ ФАРОВОН ЯШАШИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАРНИНГ САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БУНГА ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ НОДИР ҚУРБОНОВНИНГ ФАОЛИЯТИ ЯҚҚОЛ МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.

У ноёб гул ниҳоллари ва қаламчалари етиштиради. Иссиқхонасида қора шаҳзода, пальма, сирень, траха парпие, агава сингари 20 хилдаги гуллар ва лимон, бодринг, помидор кўчатларини ҳам меҳр билан парвариш қилмоқда.

— Гул эксангиз, у ўз-ўзидан илдиз отиб, кўкаравермайди, — дейди  Нодир Қурбонов. — Уларга ҳам меҳр керак, парвариш керак. Гул экишни унинг экологик-биологик хусусиятлари, ёруғликка, тупроқ тури ва намликка бўлган эҳтиёжини, турли навларнинг бир-бирига таъсирини инобатга олган ҳолда режалаштириш лозим. Томорқамиздаги гуллар улғайган сари мен ҳам улғаяман.

— Муваффақиятларга эришишнинг асоси қизиқишу эътиборда экан, — дейди унинг отаси Зокир Қурбонов. — Ўғлим Нодирбек тимсолида бунга амин бўлдим. Оддийгина қизиқишдан бошланган ишимиз бугун асосий фаолиятимизга, даромад манбаимизга айланди. Инсон ҳаракат қилса, ўз салоҳияти, тажрибасига таянса, албатта, ниятига, мақсадига эришади.

Ҳа, бугун ҳамма изланиши, самарали меҳнати туфайли Нодир Қурбоновни тумандаги энг илғор ва тажрибали гулчи сифатида билади. Яшил олам, гулзору чаманлар ҳаёт тарзи, умрининг мазмун-моҳиятига айланганлигини унинг ўзи ҳам инкор қилмайди.

**Нигина ШОЕВА**

Фарғона вилояти

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИРЛАР

**Олтиариқ туманида Олтиариқ, Риштон, Бағдод, Учкўприк, Бувайда туманларидан тўққиз жуфт йигит-қизнинг никоҳ ва йигирма бир нафар боланинг суннат тўйлари бўлиб ўтди. У мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилаётган байрам тадбирларига уланиб кетди.**






Ушбу хайрия тўйлари вилоят ҳокимлиги, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, “Меҳр нури” хайрия жамғармаси, “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми”, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси Танзила Норбоева, Олтиариқ тумани ҳокими Абдурашид Бўтаев ва бошқалар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди. Хусусан, Обод турмуш йилида белгиланган дастурлар доирасида ўтказилган мазкур тадбир ҳам хайрли ишларнинг навбатдагиси бўлди.

Тўйлари ўтаётган йигит-қизларнинг ва болаларнинг ота-оналари яқинлари номидан сўзга чиққанлар хайрия тўйини ўтказиш ташкилотчиларига, ҳомийларга ўзларининг чексиз миннатдорлигини билдирдилар.

Келин-куёвларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди, тўй болаларга велосипед ва турли-туман ўйинчоқлар ҳадя этилди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

ЭЪЛОНЛАР

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ – 39**

**Лот 39-1. «Бухоро тумани «Истиқбол» ҚФЙ «Қуйи Кобдин» аҳоли пунктидаги сув тармоқлари қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 171 869 000 сўм (ҚҚС билан), 143 224 200 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 39-2. «Бухоро тумани «Истиқбол» ҚФЙ «Қўлба» ва «Хитоён» аҳоли пунктларидаги сув тармоқлари қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 164 931 000 сўм (ҚҚС билан), 137 442 500 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 39-3. «Бухоро тумани «Боғикалон» ҚФЙ «Ўзбакон» ва «Кўчходим» аҳоли пунктларидаги сув тармоқлари қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 118 903 000 сўм (ҚҚС билан), 99 085 800 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 39-4. «Бухоро тумани «Боғикалон» ҚФЙ «Дабиён», «Работи эшон» ва «Дўғдуз» аҳоли пунктларидаги сув тармоқлари қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 125 388 000 сўм (ҚҚС билан), 104 490 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 39-5. «Бухоро тумани «Саховат» ҚФЙ «Шариф Нурхон» аҳоли пунктидаги сув тармоқлари қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 117 491 000 сўм (ҚҚС билан), 97 909 200 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 39-6. «Бухоро тумани «Работиқалмоқ» ҚФЙ «Арабхона», «Работимиржон» ва «Сулакиён» аҳоли пунктларидаги сув тармоқлари қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 129 417 000 сўм (ҚҚС билан), 107 847 500 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Лот 39-7. «Бухоро тумани «Кунжи Қалъа» ҚФЙ «Қози Саид» аҳоли пунктидаги сув тармоқларини реконструкция қилиш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 159 121 000 сўм (ҚҚС билан), 132 600 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 3 ой.

**Қурилиш ишлари** Давлат бюджети ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**ЛОТ – 40**

**Лот 40-1. «Шофиркон тумани «Саврак» ҚФЙ «Зарчабек» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 132 034 876 сўм (ҚҚС билан), 110 029 063 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Лот 40-2. «Жондор тумани «Пўлоти» ҚФЙ «Кўча» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 229 949 728 сўм (ҚҚС билан), 191 624 773 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Лот 40-3. «Коғон тумани «Геофизика» МФЙ «Дечаафғон» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 117 852 713 сўм (ҚҚС билан), 98 210 594 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Лот 40-4. «Қоракўл тумани «Хўжалар» ҚФЙ «Хўжалар» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 187 710 047 сўм (ҚҚС билан), 156 425 039 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**ЛОТ – 41**

**Лот 41-1. «Бухоро тумани «Истиқбол» ҚФЙ «Работак» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 415 300 000 сўм (ҚҚС билан), 346 083 300 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Лот 41-2. «Бухоро тумани «Шейхонча» ҚФЙ «Шейхонча» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 432 600 000 сўм (ҚҚС билан), 360 500 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Лот 41-3. «Вобкент тумани «Работхун» ҚФЙ «Бинокор» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши (2-массив)».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 181 390 000 сўм (ҚҚС билан), 151 158 300 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Лот 41-4. «Коғон тумани «Беклар» ҚФЙ «Шўробод» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши (1-массив)».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 403 345 000 сўм (ҚҚС билан), 336 120 800 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Лот 41-5. «Коғон тумани «Беклар» ҚФЙ «Шўробод» аҳоли пункти учун ички автомобил йўли қурилиши (2-массив)».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 277 176 000 сўм (ҚҚС билан), 230 980 000 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2013 йил 31 октябрь.

**Қурилиш ишлари** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Қиймати 500,0 млн. сўмгача бўлган объектлар танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференцияларини эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти томонидан 30.12.2002 й.да Шодиев Даврон Шофайзиевич номига берилган В № 073631 сонли Бакалавр диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яккасарой т. Бобур кўч. 77-уйда рўйхатдан ўтган, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 03.10.2012 й.даги 1204/18332-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган “KASATKA DISTRIBUTION” МЧЖнинг бурчак тамғаси (угловой штамп) йўқолганлиги сабабли бекор қилинган деб ҳисоблансин.

“KARAKUL WOOL EXPO” МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

